


ВАТАН ВА ЭЛ ҲИМОЯСИ – БҮЮҚ, ЭЗГУ, ШАРАФЛИ ВА МУҚАДДАС БУРЧ!



Самарқанд вилояти

Эл суйган ўглон эсланди

Юрт сарҳадини қўриқлаш – аскардан катта масъулият, матонат талаб этадиган иш. Кўнгли бузук каслар пана-пастқамда фурсат пойлаётганини ҳар доим ҳис этишга тўғри келади.

Мурод Тожиев ҳам 2011 йил 13 ноябрда ана шундай олчоқ жиноятчилар йўлига пешваз чиқди. беаёв олишувда жасур ўглон ўз жонини фидо қилиб бўл -

са-да, гаддорларни кўлга олишида фаоллик кўрсатади. Мана, неча баҳор, неча куз Мурод Тожиев ёдга олинади. Жасур чегарачи давлатимизнинг «Ҳасорат» медали билан тақдирланган. Узи ўйиган мактабда бости ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни арафасида Мурод Тожиев ўқиган мактаб, унинг хонадони гавжум булиди. Марказий ҳарбий округ ҳамда чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилири, ҳамқишлоқлари, жамоат ташкилоти вакиллари қаҳрамонни ёд этишиди.

– Туманимизда юрт мудофаасига хисса қўшган йигитларга алоҳида ётибор қарғатиб келинмоқда, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба ўюшмаси Жомбой тумани кенгаши раиси Зулфия Отамуродова. – Байрам арафасида Афғонистонда байналмилал бурчини бажарган 4 нафар собиқ ҳарбий хизматчи билан учрашув ташкил этдик. Улар касаба ўюшмалари томонидан рабbatлantirildi.

Юртимиз бўйлаб кенг кулоч ўйган байрам тадбирлари қизғин мулокотларга улашиб кетмоқда.

Нурила ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



14

YANVAR

Навоий вилояти

МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА САБОҚЛАРИ

Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ватанпарварлик тадбирлари қизғин давом этмоқда.

Навоий шаҳрида бўлиб ўтган ҳарбий фестивалда кенг жамоатчилик вакиллари билан бирга ҳарбий офицерлар, муддатли хизматни ўтказган оддий аскарлар, фахрийлар, ёшлар, ҳарбий хизматга чақирилувчilar ҳамда тизимда хизмат қилаётган офицерлар ва оддий аскарларнинг ота-оналари, яқинлари иштирок этди.

Фестиваль давомида миллий армиямизнинг офицер ва аскарлари томонидан жанговар шайлик билан боғлиқ кўргазмали чиқишилар ҳам намойиш қилинди.

Навбаҳор туманиндағи 17-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар ҳарбийлик масъулиятини билан боғлиқ саволларга жавоб олишиди.

Мактаб ўқувчиларининг ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги чиқишилар фестивалга ўзгача руҳ бағишлади.

Навоий кон-металлургия комбинатининг музейида ҳарбийлар ва ёшлар иштирокида бўлиб ўтган ватанпарварлик тадбири давомида армиямизнинг буғуни салоҳияти, офицер ва оддий аскар бўлиш масъулиятини ҳамда ҳарбий хизматнинг муқаддас бурч экани тўғрисида сўз борди.

Навоий вилояти мудофаа ишлари бошкормаси ташкил этган мазкур тадбирда қалбида шижоати баланд ёшлар келажакда. Ватанга қалқон бўлиш орзу-истаклари борлигини тилга олишиди.

Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»



Сурхондарё вилояти

Юрт ҳимоячилари шарафланмоқда

Ўзбекистон қасаба ўюшмалари Федерацииси Сурхондарё вилояти кенгаши ташабbusi билан Термиз автомобил мактаби, Термиз давлат университети, Ёшлар агентлигининг Термиз шаҳри ва барча туман бўллими, барча таълим мусассалари, ишлаб чиқариш корхоналарида Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тадбир ташкил этилди.

– Мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик руҳидаги тарбиялаш, уларни ҳар томонлама етук, хисмонат согром килиб юяга етказиш юзасидан кенг кўлумли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди вилят кенгаши раиси Абдукарим Ахмедов. – Қуролли Кучларимизни янада такомиллаштириш борасидаги изчил ислоҳотлар қурдатимизга қурдат кўшигла шубҳа йўқ.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

ХАЛҚ ВА АРМИЯ БИР ТАНУ БИР ЖОНДИР!

Жиззах шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Халқ ва армия бир тану бир жондир!» шиори остида ҳарбий ватанпарварлик фестивали бўлиб ўтди.

Марказий ҳарбий округ кўмандонлиги ва Жиззах виляти ҳокимлиги ҳамкорлигига ўтказилган тадбирда юртимиз мудофаа тизимидаги амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ўзбекистоннинг ҳарбий салоҳияти, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиялаш борасидаги олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

Ахоли ва ёшлар ўртасида ўтказилган югуриш ҳамда веломарофонда мингдан ортиқ ишти-

роқчи голублик учун баҳс олиб борди. Тадбир давомида жанговар техникалар, миллий ҳунармандчиллик буюмлари, қурол-аслаҳалар, ҳарбий кийим-кечак, озиқовқат маҳсулотларининг кўргазмаси на мойиш этилди.

Ҳарбий хизматчилик, уларнинг оила аъзолари, ўқувчилар, талабалар, ёшлардан иборат иштирокчилар миллий халқ ўйинлари бўйича беллащи.

Турли мусобака ва кўрик-танловларда ғолиб бўлган спортчилар, санъатсевар ёшларга диплом ва эсадлик совғалари топширилди.

Муҳимбод ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри

Осоишишталик посбонларига эҳтиром

«Тошкент юқ-вагон» ДЕПОсида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллигига бағишлаб «Янги Ўзбекистоннинг янги армияси» деб номланган байрам тадбири ташкил этилди. Унда Ички ишлар вазирилиги ҳарбий тузилмалари Қоровул қўшинлари қўмандонлигининг Н-ҳарбий қисм хизматчилари иштирок этди.

Ўзбекистоннинг мамлакатимиз иқтисадидаги ўтказилган тадбирда қарорларни олиб бориша корхонада олиб борилаётган ишлар, ишчи-ходимларга яратилётган шароитларга тутхалиши. Шу азиз Ватан барчамизники, унинг ҳимоясида бўлиш фақат ҳарбийлар эмас, балки заминномизда јашётган ҳамма-ҳамманинг муқаддас бурчи экани алоҳида таъқидланди.

Муҳаммад РАЗЗОКОВА

Фарғона вилояти

«Лочин» ҳаммани енгди

Таълим ва фан ходимлари касаба ўюшмалари Риштон тумани кенгаши туман ҳақида таълимий бўлими билан ҳамкорлигидаги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Миллий армиямиз – ғуруримиз, ифтихоримиз!» шиори остида спорт мусобакаси ташкил этилди.

Мусобакада тумандаги 67 та мактабнинг Чакириқча ёшларни тайёрлаш раҳбарлари иштирок этди. Улар жамоатларга бўлинган ҳолда тош кўтариш, арқон тортиш, турнирка тортилиш, ҳарбий қуролларни қисмларга ажратиш ва уни ўйғиши, қиска ва узоқ масофаларга югуриш, волейбол ва мантикий савол-жавоблар баҳсида беллашиши.

Якунда ҳам куч, ҳам билим томонидан барчанинг «Лочинлар» жамоаси ғолиб деб топшилди. «Бургутлар» жамоаси 2-, «Темурийлар» жамоаси эса 3-уринни эгаллади. Голиблар ва фоал иштирокчилар эсадлик совғалари билан тақдирланди.

Байрам тадбири Ватанни мадҳетувчи, мардлик ва жасурликни улуғловчи кўй-кўшиклар билан давом этди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

